2016 ЙИЛ 4 МАЙ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 92 (13.155)

Баҳоси эркин нархда



ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

"Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Яшнобод туман босқичи 17-мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди.

Бугун юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда халқимизнинг бой тарихий тажрибалари, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни ўзида мужассам этган ноёб бошқарув тизими — маҳаллалар фаол иштирокчи сифатида нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оилаларни мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди.

Маълумки давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ 2004 йилдан бошлаб барча маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилган.

Бу вазифада катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзи, миллий анъана ва қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини тўғри етказа биладиган ҳамда урф-одатларни ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли ва фаол аёллар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда Яшнобод туманида 57 та диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритиб келишмоқда.

"Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови маслаҳатчилар томонидан ўз зиммасидаги вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларни рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги ижобий иш тажрибаларини кенг оммалаштириш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказилаётган ушбу кўрик-танловда маслаҳатчиларнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, хотин-қизлар, ёшлар, болалар саломатлигини таъминлашдаги ҳиссаси, спортга жалб этиш борасидаги ишлари таҳлил этилди.

Ушбу танловнинг туманда ўтказилган илк босқичида 57 та маҳалла маслаҳатчиси иштирок этган бўлса уларнинг 6 нафари туман босқичида учта шарт бўйича беллашди.

— Ушбу беллашув зиммамиздаги масъулиятни, ёшлар, оилалар, хотин-қизлар билан ишлашда иш тажрибамизни янада оширди, — дейди танлов ғолибаси, "Олмос" маҳалласи фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муқаддас Миродилова. — Айниқса, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш бўйича ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тиббий маданиятини юксалтириш бўйича ўзаро фикр алмашувлар ишонаманки кейинги иш фаолиятимизда керак бўлади.

Биринчи ўринга муносиб деб топилган Муқаддас Миродилова танловнинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олди.

Шоира МУҲАМЕДОВА суратда: кўрик-танловдан лавҳа Ислом Исмоилов олган сурат

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ҚАДРИ

Пойтахтимиздаги Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди билан ҳамкорликда хайрия тадбири ўтказилди.

"Соғлом авлод учун" фондининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари М.Маҳкамова, Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати директори Т.Эшиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёши улуғ инсонларни ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларга муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ана шу эътиборнинг яна бир тасдиғидир.

Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида кексалар учун барча шароит яратилган. Жисмоний тарбия машғулотлари зали, бой китоб фондига эга кутубхонада вақтини мазмунли ўтказади.

Фахрийларнинг саломатлиги доимий эътиборда. Тошкент тиббиёт академияси, республика ихтисослаштирилган кардиология, кўз микрохирургия марказлари ва бошқа шифохоналар билан ҳамкорликда мунтазам тиббий кўриклар ташкил этилмоқда. Мутахассислар тавсиясига кўра пойтахтимиздаги шифо масканлари, сўлим санаторийларда саломатлигини мустаҳкамламоқда.

Кексаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уруш ва меҳнат фахрийларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш борасидаги ишларга "Соғлом авлод учун" халқаро фонди ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. "Юз билан юзлашганлар", "Икки авлод учрашуви" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

– Тинчлик-осойишталик – энг азиз неъмат, – дейди тўқсон бир ёшли Анна Шербакова. – Президентимиз мамлакатимизда ана шу неъматни мустаҳкам қарор топтиргани ҳаммамизнинг бахтимиз.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Таниқли санъаткорлар ва ёшлар ижросидаги куй-қўшиқлар уларга хуш кайфият бағишлади.

Ш.МАМАТУРОПОВА, ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сирдарёда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда таниқли шоир ва ёзувчилар, санъат намояндалари, олимлар, ёшлар иштирок этди.

• Нукусда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Менинг бизнес ғоям" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 120 нафар ёш ўз лойиҳаси билан иштирок этди. Тадбир доирасида ташкил этилган семинар-тренингларда мутахассислар ёшларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, бизнес режа тузиш ва банкдан кредит олиш тартиблари ҳақида атрофлича маълумот берди. Ёшларнинг турли йўналишлар бўйича бизнес лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди. Ғолиб деб топилган 10 нафар иштирокчи танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

• Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан Тайлоқ туманида "Аёллар репродуктив саломатлигини таъминлаш – оила ва жамият муҳофазасининг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Наманганда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг вилоят кенгаши ташаббуси билан мотоспорт бўйича вилоят очиқ биринчилиги ўтказилди. Мусобақада Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятидан 100 дан зиёд спортчи иштирок этди.

• Сирдарё вилоятида жойлашган сафарбарлик чақируви резерви батальони ҳарбий хизматчилари учун ўқув, ошхона ва ётоқхоналардан иборат турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Янги бинода "Қува МДС сервис" хусусий корхонаси бунёдкорлари томонидан 1 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Энг замонавий мебель ва технологиялар билан жиҳозланди.

ЖАҲОНДА

• Тунис маъмурлари томонидан амалга оширилган махсус операция давомида мамлакат шимолида террорчилар тўдаси яксон этилди.

• Бруклинда бўлиб ўтаётган велопойга чоғида йўлда тўсатдан мотоциклчининг пайдо бўлиши натижасида бир нечта велопойгачи унга урилиб, жароҳат олди.

• Оналаримизни ҳар қанча ҳурматласак арзийди ва буни Испаниянинг "Валенсия" футбол клуби ўзига хос тарзда ифода этди. Навбатдаги тур ўйини Испанияда Оналар куни байрамига тўғри келганлиги учун "Валенсия" футболчилари майдонга ўз оналарининг қизлик фамилиялари ёзилган футболкаларда тушишди.

"Туркистон" саройида 3 май куни Журналистика соҳасида "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, матбуот хизматлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси раиси ўринбосари, "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий қўмитаси раиси Ў.Мирзаёров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари изчил ривожланаётгани, журналистлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани соҳа ходимларини янги иҳодий марралар сари илҳомлантираётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид миллий қонунчилик такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини тўла таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш, улар фаолияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор этишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган танлов Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Uzreport" ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танлов телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилади. Унда битта Бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот ҳамда "Энг яхши матбуот хизмати" ва "Энг яхши фоторепортаж учун" рағбатлантирувчи номинациялар таъсис этилган.

(Давоми 2-бетда)

МАТБУОТ – ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЖАМОАТЧИЛИК МУЛОҚОТИНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Пойтахтимизда 3 май куни "Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик билан мулоқотни ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси, ЕХҲТ, ЮНЕСКО ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда депутатлар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, вазирликлар, идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллий ва хорижий экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С.Отамуродов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси раиси А.Саидов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида оммавий ахборот воситалари фаолиятини изчил ривожлантириш, матбуот ва ахборот эркинлиги ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА САЙЛОВИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш йўлида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Натижада ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи юксалиб, аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, умуман, жамиятда аҳиллик, бирдамлик ва тотувликни мустаҳкамлашдаги ўрни ҳамда таъсири тобора ортиб бораётир.

Маҳалла институтига қаратилаётган бундай катта эътибор бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолатдир. Қолаверса, унинг ҳуқуқий асоси изчил мустаҳкамланаётгани шу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бинобарин, 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш тартиби янада такомиллаштирилди. Унга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар сайловнинг ошкоралигини таъминлаш ва уни ташкил этиш ҳамда ўтказишда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Айни чоғда юртимизда май-июнь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда ташкил этилаётган турли тадбирлар, семинар ва давра суҳбатлари аҳолининг бўлажак сайлов билан боғлиқ билимларини янада мустаҳкамлаш, ушбу муҳим тадбирда фаол қатнашишларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Шу ўринда сайловга тайёргарлик босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам фаоллик кўрсатаётганини қайд этиш зарур. Улар ўз сайловчилари билан учрашувларда, шунингдек, жойларда маҳалла аҳли билан мулоқотларида сайлов жараёнини демократик тамойиллар асосида ўтказиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Маълумки, фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини юқори савияда ўтказишда кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳларнинг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги вақтда жойларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузилган бўлиб, улар самарали фаолият олиб бораяпти. Ўз навбатида, мазкур комиссиялар томонидан фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳлар фаолияти мувофиқлаштириб келинмоқда.

Фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар самараси, ҳар томонлама муносиб номзодларни фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатиш ишчи гуруҳлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Чунки айнан ишчи гуруҳлар сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда аҳолига энг яқин бўлган ташкилий тузилма сифатида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши), фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишлар ўтказилишини таъминлайди.

Ишчи гуруҳлар таркибига фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашларининг депутатлари киритилди. Фуқаролар йиғинининг амалдаги раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмаслиги қонунда белгиланган. Бу эса ишчи гуруҳнинг ўз фаолиятига мустақил ва холисона ёндашишини таъминлайди. Шу билан бирга, ишчи гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган муайян ҳаракатларга, қабул қилинадиган у ёки бу қарорларга раис ҳамда унинг маслаҳатчилари ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўмаклашувчи комиссияга ёхуд ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёки уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар кўмаклашувчи комиссия ёхуд ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилиши ҳам сайловнинг холис, очиқ ва шаффоф ўтишига хизмат қилади.

Ишчи гуруҳ таркибига халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари киритилиши моҳиятан фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари лавозимларига ўтказиладиган сайлов салоҳиятини ошириши билан бир қаторда, ҳам номзодларнинг, ҳам овоз берувчиларнинг сайловда масъулият билан иштирок этишига зарур шароит яратади. Ишчи гуруҳларнинг ҳамда туман, шаҳар кўмаклашувчи комиссияларининг ваколат муддати навбатдаги сайлов эълон қилингунига қадар давом этади. Бу эса ана шу вақт мобайнида бўшаб қоладиган фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига сайловларни белгиланган муддатда ташкил қилиш ҳамда ҳудудда амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини таъминлашда айни муддаодир.

Фуқаролар йиғини аъзоларини рўйхатга олиш фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишда асосий ташкилий масала ҳисобланади. Сайловчилар рўйхатини тузиш ҳар бир сайловчига ўзининг сайлаш ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун имкон беради. Айни пайтда ишчи гуруҳ томонидан сайловни юқори даражада ўтказиш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказиш масалаларига доир фуқароларнинг мурожаатларини ҳам кўриб чиқиш ваколатига эгадир. Бу жараённинг ошкоралигини кафолатлаши баробарида, унинг иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига тўлақонли риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак сайловларга мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг кўламли тайёргарлик ишлари фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига энг муносиб номзодларнинг сайланишини таъминлашга қаратилган. Зеро, улар маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш ҳамда бошқа кўплаб вазифаларни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Элдор ТУЛЯКОВ,
Муҳтабар ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП фракцияси аъзолари

МАТБУОТ – ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЖАМОАТЧИЛИК МУЛОҚОТИНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда яратилган мустаҳкам қонунчилик жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ислоҳотлардан халқимизни ўз вақтида хабардор этиб бориш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотдан фойдаланишини, айниқса, давлат органлари фаолиятидан аҳолининг хабардорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ 2014 йил май ойида қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйишда ОАВнинг роли ва таъсирини янада оширди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларининг олтмиш фоизга яқини нодавлат медиа тузилмалардир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот манбалари ҳам йилдан-йилга такомиллашмоқда. Ҳозир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 114 веб-сайти мавжуд бўлиб, улардан 90 таси фойдаланишда қулайлик яратиш ва замонавий технологик талабларни инобатга олган ҳолда мобиль иловаларини жорий этган. Давлат органлари веб-сайтлари орқали кўрсатилаётган электрон хизматлар кўлами тобора ошиб бормоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Қарори ОАВ фаолиятининг самарадорлигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур қарорга мувофиқ, оммавий ахборот воситалари ва нашриётларга қатор имтиёз ҳамда преференциялар берилган. Анъанавий тарзда ўтказилаётган кўрик-танловлар, ижодий лойиҳалар замонавий журналистика ютуқларини оммалаштириш, соҳа ходимларининг касб маҳоратини юксалтириш, таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Анжуманда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг замонавий асосда фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилгани, давлат ташкилотлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали жамоатчилик мулоқотини шакллантиришда ОАВнинг роли ва аҳамияти тобора ошиб бораётгани, соҳада халқаро ҳамкорлик ривожланаётгани қайд этилди.

– Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор самарасида мазкур соҳа изчил ривожланиб бораётир, – деди ЎзА мухбирига ЮНЕСКО бош маслаҳатчиси Могенс Шмидт (Дания). – Мазкур халқаро конференция Ўзбекистонда ва жаҳонда "давлат – медиа – жамоатчилик" мулоқотида очиқ ахборот жамиятини таъминлашнинг амалий механизмлари, журналистика соҳасидаги тенденция ва янгиликлар билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш имконини бергани билан аҳамиятли бўлди.

Мамлакатимизда соҳа ходимларининг жаҳон журналистикасининг илғор иш услублари ва ютуқларини ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Жаҳоннинг етакчи медиакомпаниялари журналист ва мутахассислари иштирокида ўқув-тренинглар, семинарлар ўтказилмоқда. Ҳар йили кўплаб журналистлар хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтмоқда.

– Ташкилотимиз Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан медиа соҳасида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда, – деди Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Томас Кунце. – Хусусан, Ўзбекистон журналистлари Германия оммавий ахборот воситалари фаолияти билан танишиб, малака ошириб қайтмоқда. Бундай тадбирлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантиришга, журналистларнинг касб маҳорати ва билимини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлигимиздан мамнунмиз ва алоқаларимиз янада кенгайишига умид қиламиз.

Конференцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини, ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг янгича усул ва технологияларини ривожлантириш, аҳоли хабардорлигини янада оширишда давлат органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги ва бу борада хорижий давлатлар тажрибасига оид қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди, маърузалар тингланди.

Нодира МАНЗУРОВА

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА "ОЛТИН ҚАЛАМ" XI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Олтин қалам" танловида ўтган йиллар давомида 5 мингга яқин журналист 70 мингга яқин ижодий материали билан қатнашган. Бу йилги танловда 510 ижодкор 8 минг 500 га яқин материални тақдим этган.

"Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танловда Бош миллий мукофот соҳиби, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолиблар, шунингдек, "Энг яхши матбуот хизмати", "Энг яхши фоторепортаж учун" рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиблари аниқланди.

Танлов доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган. Шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ахборот маркази, ЮНЕСКО, ЮСАИД, "Минтақавий мулоқот" (Словения), Германия Халқ университетлари ассоциацияси каби

РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

қатор халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳам "Олтин қалам" танловида ўз мукофоти билан қатнашди.

Ижодий лойиҳани ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

"Тошкент телерадиоканали" ДУК ижодий жамоаси "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош миллий мукофотга лойиқ топилди. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

– Президентимиз томонидан медиа соҳа вакилларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликни, доимий рағбатни кундалик фаолиятимизда ҳис этмоқдамиз, – дейди "Тошкент телерадиоканали" директори М.Сафаров. – Мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотлар жараёни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, юртдошларимиз тафаккурида, тақдирида мислсиз ижобий ўзгаришлар ясамоқда. Бундай масъулиятли жараёнда журналист сўзининг таъсирчанлигини янада ошириш, ён-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга теран, сезгирлик билан муносабатда бўлиш бизнинг энг асосий бурчимиздир.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар, пул мукофотлари топширилди. Санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳодиев сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Журналистика соҳасида Бош миллий мукофот

"Тошкент телерадиоканали" ДУК ижодий жамоаси – директор Мадамин Сафаров Мамлакатимизда юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришларни, пойтахтда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кенг ёритгани учун.

Асосий номинациялар
Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин:
ЭОАВМА Ахборот маркази "Ўзбекистон онлайн" информацион дастури – лойиҳа раҳбари Феруза Элмуродова Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларни кенг ва тезкор ёритгани учун.

2-ўрин:
Мўмин Ибодов – "Yoshlar" телеканали муҳаррири Ёшларга оид давлат сиёсати моҳияти кенг ёритилган, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган дастурлари учун.

3-ўрин:
Матлуба Юсупова – Андижон вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири Мустақиллик йилларида вилоятда амалга оширилаётган янгиланишлар, буюк аждодларимиз меросига қаратилаётган эътибор мавзуларидаги кўрсатувлари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (радио):

1-ўрин:
Бахтиёр Мавлонов – "Дийдор" радиоси муҳаррир-бошловчиси Мамлакатимиз маданий-маърифий ҳаётидаги янгиланишлар ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид эшиттиришлари учун.

2-ўрин:
"Маҳалла" радиоканали ижодий жамоаси – раҳбари Фахриддин Абдураҳимов Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқароларнинг ўрни, тинчлик-осойишталиги таъминлашда маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларга оид туркум материаллари учун.

3-ўрин:
Римма Собиржонова – "Водий садоси" радиоси бошловчиси Жамиятда қонун устуворлигини, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар самараларига оид туркум эшиттиришлари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (матбуот):

1-ўрин:
"Маънавий ҳаёт" журнали таҳририяти – бош муҳаррир Эшқобил Шукуров Истиқлол йилларида мамлакатимиз маънавий ҳаётида юз берган улкан янгиланишларни жамоатчиликка кенг тарғиб этган туркум материаллари учун.

2-ўрин:
"Дўстлик байроғи"/"Знамя дружбы" газеталари таҳририяти (Навоий вилояти) – бош муҳаррир Абдумажид Жўраев Мамлакатимиз ва Навоий вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самараларини кенг ёритгани учун.

3-ўрин:
Саид Раҳмонов – "Халқ сўзи" газетаси мухбири Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнини кенг ва таҳлилий ёритгани учун.

Энг яхши журналистик материал учун (интернет-журналистика):

1-ўрин:
Азизжон Эрматов – "Бувайда кўзгуси" газетаси веб-сайти адабий ходими (Фарғона вилояти) Мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнларни интернет тармоғида кенг ёритгани учун.

2-ўрин:
Исоқжон Бегматов – "Тўхтабой" жомеъ масжиди имом-хатиби Аҳолини, хусусан, ёшлар онгини диний экстремистик


А.Абдуллаев олган сурат

оқимлар таъсиридан асрашга қаратилган маънавий-маърифий ҳамда диний бағрикенглик мавзуларига бағишланган туркум материаллари учун.

3-ўрин:
Элдор Асанов – "Kun.uz" веб-сайти муҳаррири Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар ва бунёдкорлик жараёнини кенг ва таҳлилий ёритгани учун.

Рағбатлантирувчи мукофотлар бўйича:

Энг яхши матбуот хизмати номинацияси:

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ матбуот хизмати – матбуот хизмати раҳбари Мирзо Муродов

Энг яхши фоторепортаж учун номинацияси:

Анвар Ильясов – "Жаҳон" АА фотомухбири

Миллий ва халқаро ҳамкорлар номинациялари ғолиблари:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси:

"Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар фаолияти ёритилган энг яхши материал учун"
Муҳаббат Отамирзаева – "Андижонома" газетаси бўлим мудири

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши:

"Соғлом она ва бола йили мавзусидаги энг яхши материал учун"
Лаззет Есемуратова – Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси муҳаррири;
"Ижтимоий шериклик мавзусидаги энг яхши материал учун"
Адиба Умирова – "Ҳуррият" газетаси мухбири

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди:

"Ўзбекистон ҳақида хорижий ОАВда берилган энг яхши материал учун"
"Мастерская" кинокомпанияси (РФ) "Ўзбекистан: жемчужина песков" ҳамда "Сквоз пески времен" ҳужжатли фильмлари учун – Ўзбекистондаги ҳамкори ЭОАВМА;
"Энг яхши таҳлилий-танқидий материал учун"
Рамиль Исламов – "Правда Востока" газетаси бўлим мудири

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси:

"Орол денгизи ҳудудининг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг роли" номинацияси бўйича
Роза Ҳамидова – Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси бош муҳаррири ўринбосари

БМТ Ахборот маркази:

"Энг яхши ёшлар интернет нашри" номинацияси бўйича
Мастура Ҳамроева – "Маънавият гулшани" газетаси мухбири (Сурхондарё вилояти).
"Минтақавий мулоқот" (Словения):
"Қонун устуворлиги ёритилган энг яхши материаллар учун" номинацияси бўйича
Лола Ракаева – "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" информацион дастурлари шарҳловчиси;
Лобар Исломова – "Анҳор.уз" веб-сайти бош муҳаррири

ЮСАИД халқаро ташкилоти лойиҳаси:

"Ўзбекистонда сил касаллигига қарши кураш масалалари энг яхши ёритилган материаллар учун" номинацияси бўйича
Сайёра Ҳасанова – Хоразм вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири;
Германиянинг Халқ университетлари DVV International халқаро ассоциациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси:
"Катталарни ўқитиш ва таълим бериш соҳасида ОАВнинг энг яхши материали учун" номинацияси бўйича
Луиза Маҳмудова – "Туркистон-пресс" НАА муҳаррири.



Бугунги кунга келиб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммоларининг долзарблиги ҳеч кимга сир эмас. Инсоният эса она заминнинг минглаб биологик турларидан бири сифатида ана шу ресурслардан фойдаланиб, ўз ҳаёт тарзини сайёранинг турли қисмида турлича шакллантира бошлаган.

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ВА САЛОМАТЛИК

Ҳозирги экологик инқирознинг сабабчиси ҳам, ўз ақл-заковати билан шу инқироздан ҳоли этувчиси ҳам инсон эканлиги маълум бўлиб қолди. Атроф-муҳитнинг ифлосланишидан сақлаш, табиий бойликлардан тежаб фойдаланиш кўп жиҳатдан инсонларнинг саводхонлигига боғлиқдир. Аҳолининг экологик саводхонлиги даражасини ошириш эса энг устувор масалалардан ҳисобланади. Бунга узлуксиз таълим ва тарбия тизимида "экология" фанининг мазмуни ва моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, экологик инқирознинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатларини кенг тарғиб этиш, ҳар бир инсоннинг табиатга нисбатан меҳрини, ҳурматини ошириш орқали эришиш мумкин.

"Қуш уясида кўрганини қилади", деган мақол ҳалқимиз томонидан бежиз айтилмаган. Инсонларнинг онгида атроф-муҳитга бўлган муҳаббатни, меҳрни шакллантиришнинг бошланғич асоси – оила ҳисобланади. Ёш авлод, фарзандларимиз онгига болалик давридан бошлаб табиатни севиш, ардоқлаш, ҳурмат туйғуларини шакллантириш тарбия билан уйғунлаштирилган ҳолда сингдириб бориш ҳар бир ота-онанинг вазифасидир.

Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан у истеъмол этаётган озиқ-овқат таркиби ва сифатига ҳам боғлиқ. Масалан: нитрат моддасини олайлик, у одам организмига сингиб, бора-бора камқонлик, гепатит ва турли юрак қон-томир касалликларини келтириб чиқаради. У айниқса ёш организмга тез таъсир кўрсатади. Ҳозир дунёда ҳар 3 кишидан бири камқонликдан, қарийб 3 миллиард киши эса темир етишмаслигидан азият чекади.

Йод етишмаслиги бош мия фаолиятига салбий таъсир қилади, бола туғилгунча ва ундан кейин ҳам ақлий заифликни юзага келтиради. Охирги йилларда кўп учраб турган бўқоқ хасталигининг олдини олиш хусусида шуни айтиш мумкин, айрим озиқ-овқат маҳсулотларида, сув таркибида, шунингдек, тупрокда йод етишмаслиги катта ёшдаги кишиларда ҳам болаларда ҳам қалқонсимон безларнинг катталашиб кетишига сабаб бўлмокда. Бундай касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ўзўзидан ташқи муҳитдаги ўзгаришларнинг инсонлар организмига салбий таъсир этаётганлигидадир. Одамда соғлом яшаш тарзини шакллантириш учун унинг бу борадаги фикрий ва руҳий дунёқарашини, ички маънавий оламини бойитиш зарур. Инсонларнинг саломатлиги ташқи муҳит билан чамбарчас боғланган экан, саломатлигимизга эътиборли бўлиш асосида она заминнинг мусаффолиги, тозалигини асраш нафақат биз учун, балки келажак авлодларимизнинг соғлом, баркамол тарзда вояга етишида муҳим аҳамиятга эгадир. Соғлом киши деганда нафақат жисмонан соғлом инсонни, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган, экологик маданиятга эга бўлган инсонни тушунамиз.

Шундай экан, инсон зиммасида асосан иккита муқаддас бурч борлигини унутмаслик керак. Буларнинг бири ўз насл насабини вояга етказиб, тарбиялаш бўлса, иккинчиси ўзи ва авлодлари учун табиатни ва унинг бойликларини асраб-авайлашдир.

Мадина МУСАЕВА,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институтининг услубчи шифокори

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова номидаги V Республика опера хонандалари танлови юксак савияда ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ҳамкорлигида 2002 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган бу танлов юртимиздаги жуда кўплаб иқтидорли ёшларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмокда.

Бу йилги танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 18 ёшдан 32 ёшгача бўлган 36 нафар ёш опера хонандалари иштирок этди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида уч босқичда ўтказилган танловнинг дастлабки икки босқичида қатнашчилар фортепьяно жўрлигида, учинчи якуний босқичида симфоник оркестр жўрлигида мумтоз ариялар, ўзбек ва дунё композиторларининг романсларидан намуналар, опералардан арияларни ижро этди.

Танловда иштирокчиларнинг мусиқий асарни теран ҳис қилиши, уни томошабинларга етказа олиши, куйлаш маҳорати, кийиниш ва саҳна маданияти ҳамда овоз имкониятларига эътибор қаратилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида кўрик танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда санъаткорлар, мусиқа ихлосмандлари, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, санъат йўналишида таҳсил олаётган олий таълим муассасаларининг талабалари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Ф.Жўраев ва бошқалар мамлакатимизда санъатнинг барча турлари қатори опера санъати ҳам ўзига хос равишда ривожланаётганини, бу каби ижодий танловлар, фестивалллар ва концертлар опера йўналиши бўйича илм олаётган, изланаётган иқтидор эгаларини аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

– Мазкур танлов беш йилдан бери анъанавий равишда ўтказиб келинмокда, – дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. – Қўшиқчилик санъатининг ушбу сермашаққат йўналиши ижрочидан жарангдор овоз билан бирга мумтоз композиторларнинг асарларини маромига етказиб ижро этишни талаб этади. Қатнашаётган ҳар бир иштирокчига ижро маҳорати учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилди. Бу танлов бизга янги энг иқтидорли овоз соҳибларини кашф этишда яқиндан кўмак беради.

Қарийиб бир ҳафта давом этган танлов доирасида мусиқий машғулотлар, ижодий беллашув ва учрашувлар ва маҳорат сабоқлари ўтказилиб борилди.

Назира Аҳмедова номидаги V Республика опера хонандалари танловида Қашқадарё вилоятидан Дамир Раҳмонов Гран-прига лойиқ деб топилди. Тошкент шаҳридан Ангелина Аҳмедова, Фарғона вилоятидан Бирдонахон Маткаримова, Қашқадарё вилоятидан Ҳўжаназар Жўмаев, наманганлик Султонбек Абдураҳимов биринчи ўринга сазовор бўлди.

– Мен шундай нуфузли танловда биринчи ўринга муносиб деб топилганимдан жудаям хурсандман, – дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси учинчи босқич талабаси Ангелина Аҳмедова. – Бу танлов биз ёшларга ўзимизга бўлган ишончни мустаҳкамлаш баробарида, она Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб хизмат қилишга ва янада янги марралар сари изланишга чорлайди.

Танлов сўнгида ғолиблар ва опера санъати ижрочилари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

ФАРМАЦЕВТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимиздаги 7-клиник шифохонада "Ўзбекистонда фармацевтика фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уни ривожлантириш истиқболлари" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси мутасадди вакиллари, даволаш-профилактика муассасалари бош шифокорлари ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари М.Хўжаева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда фармацевтика саноатида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мазкур соҳанинг изчиллик билан ривожланаётганлиги, инсонлар саломатлигини яхшилашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 150 га яқин фармацевтика корхонасида бир ярим минг номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмокда. Бу эса фармацевтика саноатининг изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Жорий йилнинг 5 январида кучга кирган янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда дастуруламал бўлмокда.

Мазкур қонунда дори воситалари муомаласи, улардан тиббиётда фойдаланиш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш, дорихоналар фаолиятини кенгайтириш, малакали мутахассислар билан таъминлаш ва бошқа кўплаб янгиликлар ўз аксини топган.

Шунингдек тадбирда, дори воситаларининг сифатини янада яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, фармацевтика фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширилиши каби долзарб вазифалар белгиланди.

Анжуманда қонунчилигимизга киритилаётган янгиликлар ва олиб борилаётган изланишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилди. Соҳада амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

"ТОЗА ҲАВО" ТАДБИРИ САМАРАЛИ ЎТМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил декабрь ойида қабул қилинган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасида атмосфера ҳавосига автомототранспортлардан чиқадиган зарарли газларнинг назорати амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шу сабабдан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ўзаро қўшма иш режаси тузилган.

Мазкур режага асосан 2016 йилнинг 10 апрелидан 10 майга қадар Тошкент шаҳрига кириб келадиган йирик 5 та, "Эркин", "Шарқ", "Уч қаҳрамон", "Турбанов" ва "Бектемир" йўл-патрул масканларида "Тоза ҳаво" тадбирининг биринчи босқичи ўтказилмокда.

Тадбир давомида қўмита қошидаги Аналитик назоратга ихтисослашган инспекцияси тасарруфидаги "Газоанализатор" ҳамда "Дымомер" ўлчов асбоб-ускуналари орқали бензин, дизель ҳамда табиий газ ёқилғисида ишлашга мўлжалланган автотранспортлар кўрикдан ўтказиляпти.

Ушбу Газоанализатор ҳамда димомер асбоблари давлат стандартларидан ўтган бўлиб махсус сертификатга эга. Кўрик пайтида ҳар бир масканда ўртача бир кунда 100 тадан ортиқ автотранспортлар текширилмокда.

Агарда олдинги текширув натижаларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, жами автотранспортлардан атмосфера ҳавосига давлат стандартига асосан белгиланган 3,5/2,0 меъёридан ортиқча зарарли газларни ташлаётган ҳолатлари умумий транспортлар сонининг 7 фоизини ташкил қилмокда.

Бу кўрсаткич 20 йил олдин 25-30 фоиздан иборат бўлган. Кўрсаткичнинг ижобий томонга яхшиланаётганлигининг асосий сабабларидан бири, юртимизда "EVRO-3" ва "EVRO-4" давлат стандартлари талабига жавоб берадиган автотранспортларнинг ишлаб чиқарилаётганлиги бўлса, иккинчи томондан, яроқсиз ҳолга келиб қолган, олдинги йилларда ишлаб чиқарилган карбюраторли транспортларнинг аста-секинлик билан тасарруфдан чиқарилаётганлиги ҳисобланади.


Тошкент шаҳри атмосфера ҳавосининг умумий ифлосланиш даражасининг 80-90 фоизи автотранспортларга тегишли ҳисобланади, шу сабабдан ҳам "Тоза ҳаво" тадбирининг аҳамияти каттадир.

Тадбир давомида атмосфера ҳавосига белгиланган меъёрдан ортиқча зарарли газларни чиқараётган автотранспортларнинг эгаларига автотранспорт воситаларини зудлик билан соз ҳолатга келтиришлари тўғрисида кўрсатмалар берилиб, энг яқин автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шоҳобчаларига юборилмокда.

Белгиланган меъёрни кўп равишда бузган автотранспорт воситалари йўл-патрул хизмати ходимлари томонидан автотранспортларни вақтинчалик жарима майдонига қўйиш шохобчаларига олиб бориш ҳолатларига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, ушбу тадбир ҳар йили куз мавсумида ҳам амалга оширилади. Мухтасар қилиб айтганда, ҳар биримиз, атрофтабиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга масъулдирмиз, шундагина ўсиб келаётган келажак авлодга нафақат соф мусаффо ҳавони, балки она табиатимизнинг гўзал манзараларини асллигича қолдирган бўламиз.

Азизбек КАЛИМБЕТОВ,
Ахборот ва тарғибот бўлими бошлиғи



Ислом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сонли "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2014 йил 24 октябрдаги 220-сонли буйруғи ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 24 октябрдаги 870-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинди.

Қарор ва ижро

МУРОЖААТЛАР ЎРГАНИЛИБ, ЧОРА КЎРИЛМОҚДА

Юқорида кўрсатилган қонуности ҳужжатларининг бажарилишини тўлиқ таъминлаш мақсадида 2014 йил 31 октябрда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 168-сонли буйруғи қабул қилинди. Шу билан бирга Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2015 йил 10 февралда барча туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ҳамда ободонлаштириш бошқармаси бошлиқлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида қабул қилинган Низомларнинг тартиб-таомиллари ёритиб берилиб, тақдимот ўтказилди. Йиғилиш якунида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан барча туман ҳокимликларига "Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни кесиш учун рухсатнома" бланклари тарқатилди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳрининг 15200 га. ер майдонини ёки 35 фоизга яқин ҳудудини кўкаламзорлаштирилган ҳудуд ташкил қилади, пойтахтда 220 турдаги дарахт ва 30 хилдаги буталар ўсади. Хозирги кунда Тошкент шаҳридаги дарахтларнинг кенг тарқалган турлари бу: игнабаргли қарағай, қора арча, эман, қорақайин, катальпа, шарқ чинори. Шаҳарнинг истироҳат боғи ва хиёбонларида бошқа давлатлардан олиб келтирилган экзотик ўсимликлар турлари сони жуда кўп (лола дарахти, магнолия, липа, ўткирбаргли заранг, америка шумтоли, қоғоз дарахти, гинко, япон сафораси, самшит, кипарис ва бошқалар).

Ҳар бир аҳоли жон бошига тўғри келиши керак бўлган кўкаламзорлаштириш меъёри 50 м² дан иборат бўлгани ҳолда Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 69 м² ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 июндаги 144-сонли қарорига асосан Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги Дўрмон поселкасида ҳудуди 32,4 га. майдонда "Дўрмон" миллий боғи ташкил этилди. Шаҳар ҳудудида 65,34 га. майдонида Ботаника боғи ва умумий майдони 190,4 га. ташкил қилган 19 та боғлар жойлашган.

Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш гуруҳи томонидан 2015 йилнинг 12 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сонли "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ, 1 578 та мурожаатлар бўйича гуруҳ инспекторлари томонидан дарахт ва буталарнинг ҳолати кўздан кечирилиб ўрганиб чиқилди. Мазкур қарор талабларига зид равишда тегишли рухсатномасиз дарахтларни кесишдан ўсимликлар дунёсига етказилган зарар учун қонунбузарларга нисбатан ҳисобот даврида умумий қиймати 28,1 млн. сўмлик 75 та даъво аризалари киритилди.

Дарахт ва буталарни ноқонуний кесиш, уларга турли даражада зарар етказиш ҳолатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 162-моддасига мувофиқ, умумий қиймати 23,6 млн. сўмлик 168 та жарималар расмийлаштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жарималарнинг сони 119 тага, қиймати бўйича 1,7 фоизга камайган. Ҳисобот даврида расмийлаштирилган 166 та 23,3 млн. сўмлик жарималар ўз вақтида ундирилди.

Ўлган ёки зарарланган қушларни аниқлаб, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида, Тошкент шаҳри ҳудудидаги Бешёғоч, Бахт ва Роҳат кўлларида кузатув-мониторинг ишлари ўтказилди.

Ҳайвонот дунёси объектлари билан ноқонуний савдога чек қўйиш мақсадида, шаҳардаги бозорларда 3 та рейдлар ўтказилиб, 11 та тошбақа, 1 та илон, 1 та калтакесак, 4 та каклик ва 94 та ўрмон сайроқи қушлари мусодара қилинди. Эгасиз қолиб, ташлаб кетилган 94 та сайроқи қушлар озодликка қўйиб юборилди, ҳайвонот дунёсининг қолган объектлари Давбионазоратга карантиндан ўтиш учун жўнатилди.

Шерзод МАДИЯРОВ,
гуруҳ раҳбари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В.Успенский номидаги РИМАЛ 2016-2017 ўқув йилининг 1-синфга ўқувчилар қабулини эълон қилади. Ҳужжатлар 30 майгача қабул қилинади. Имтиҳон 5 июнда бўлиб ўтади.
Манзил: 100000, Тошкент ш., Тараққиёт кўчаси, 71.

Спорт янгиликлари



Ё.Шарипов олган сурат

"ШУНҚОРЛАР" БЕЛЛАШДИ

Тошкент ҳарбий-телекоммуникациялар академик лицейида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасидаги "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақанинг очилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг алоҳида эътибори самарасида мамлакатимиз ёшлари соғлом ва баркамол, ватанпарвар бўлиб вояга етаётгани таъкидланди.

Мусобақада иштирокчилар сафда юриш ва мерганлик маҳорати, югуриш, тўсиқлар йўлагидан ўтиш, альбом ва вимпеллар кўриги, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлик каби йўналишлар бўйича баҳслашди.

Тошкент солиқ коллежи жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, мусобақанинг мамлакат босқичига йўлланма олди. Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи вакиллари иккинчи, 2-Тошкент юридик коллежи жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Мусобақа ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳини кучайтириш, ҳарбий хизмат ва олий ҳарбий билим юртларига тайёргарлигини ошириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

ЎРТОҚЛИК ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Япониянинг Нагоя шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ўртоқлик турнирида иштирок этди.

Вакилларимиз турнирдаги илк баҳсини Вьетнам термасига қарши ўтказиб, 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади. Учрашувнинг 17-дақиқасида Даврон Чориев ҳисобни очган бўлса, иккинчи бўлимда вьетнамликлар иккита тўп киритиб олдинга ўтиб олишди. Ўйиннинг сўнгги 40-дақиқасида Дилшод Раҳматов ажойиб зарба эвазига ўртадаги мувозанатни тенглаштирди.

Футзалчиларимиз мусобақадаги иккинчи учрашувда кунчиқар юрт термасига қарши саф тортишди. Муросасиз ва кескин курашларга бой ўтган беллашув жанговар дуранг натижа билан якунланди — 3:3. Терма жамоамиз таркибида голларга Дилшод Раҳматов, Артур Юнусов ҳамда тажрибали Жавлон Аноровлар муаллифлик қилди.

Шу тариқа, Хосе Мария Мендез шогирдлари Японияда ўтказилган халқаро ўртоқлик турнирида иккинчи ўринни қўлга киритишди. Мезбонлар биринчи, Вьетнам терма жамоаси эса учинчи поғонани банд этди.

ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ НАМУНАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон мустақилликка эришгач ўзининг ташқи ва ички сиёсатидаги устувор тамойилларини белгилаб олган ҳолда демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўлидан дадил олға бориш, обод, фаровон жамиятни қуришни олдига сиёсий мақсад қилиб қўйди. Бунинг учун эса мамлакатда хавфсизлик ва тинчликни сақлаш, халқ осойишталигини таъминлаш асосий устувор вазифа ҳисобланади.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ҳамда давом этаётган ислоҳотлар натижасида профилактика хизматларининг фаолиятини белгилаш ва тартибга солиш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда профилактика хизматлари, шу жумладан милиция таянч пунктлари ва профилактика инспекторлари фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки профилактика инспекторлари жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириб, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаб, улар билан тушунтириш ишларини самарали ташкил этмоқдалар. Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган жанжалкаш оилаларни аниқлаб, улар билан ҳам алоҳида суҳбатлар ўтказиш баробарида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, оилада ва маҳаллада тинчлик-осойишталикни таъминлашда фаол иштирок этмоқдалар. Оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш орқали ёш авлодни соғлом, баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этишга ҳисса қўшмоқдалар. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, айрим инсонларнинг оддий ҳуқуқларини ҳам билмасликлари, чет элда ишлашни ҳавас қилган фуқароларнинг у ердаги қонунлар, тартиб-қоида, иш ва иш ҳақи, яшаш шароити ҳамда ишга жойлашиш бўйича керакли маълумотлар билан қизиқмасликлари, ўта ишонувчанлиги, соддалиги, турли эълонлар, нотаниш шахсларнинг ваъдаларига ишонган ҳолда уларга ўз тақдирини ҳал этишга розилик беришлари, фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардан, хусусан паспортидан фойдаланиш тартибини билмасликлари ва унга риоя этмасликлари уларни қийин ҳолатларга тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бу каби ҳолатларнинг олдини олишда ҳам профилактика инспекторлари аҳоли билан, айниқса ёшлар билан мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориб, уларга тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилувчи услубий қўлланмаларни бериб, огоҳ ва ҳушёр бўлишга чақирмоқдалар.

Аслиддин БУВАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчиси

Хитойнинг Вукси шаҳрида қиличбозлик бўйича Осиё чемпионати беллашувлари ўтказилди.

ЕТАКЧИЛАР САФИДА

Мусобақа давомида шпага ва сабля қуролидаги жанглар мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Энг кучли таркибимиз ҳисобланувчи шпагачиларимиз имкон қадар юқори натижа кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилишди. Вакилларимиз орасида анчайин тажрибали ҳисобланган Руслан Кудаев бу сафар 12-ўринни қўлга киритди. Роман Александров ҳамда Файзулла Алимовлар мос равишда 34 ва 49-поғонадан жой эгаллашди.

Мазкур йўналишда финал баҳси иккита Жанубий Кореялик қиличбоз ўртасида кечди ва унда Кюндо Парк устун келди. Япониялик Казуясу Минобе ва Хитой вакили Гаофень Ши бронза медаллари билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоиз, мусобақада қитъамизнинг етакчи спортчилари қаторидан ҳамюртларимизнинг ҳам муносиб иштирок этиши қиличбозлик спорти юртимизда тобора ривожланиб бораётганлигини кўрсатиб берди.

ОЧКОЛАР ҲИСОБИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ФИДЕ ташкилоти апрель ойи учун дунё шахматчиларининг тўплаган балларини эълон қилди.

Унга кўра норвегиялик Магнус Карлсен 2851 очко жамғарган ҳолда дунёнинг биринчи рақамли шахматчиси бўлиб турибди. Рейтинг пешқадамидан кейинги қаторлардан Владимир Крамник (Россия), Фабиано Каруана (АҚШ), Аниш Гири (Голландия), Максим Вашье-Лаграв (Франция) каби маҳоратли халқаро гроссмейстерлар жой эгаллаган.

Янги рўйхат бўйича ҳамюртларимиздан Жаҳонгир Воҳидов, Алексей Барсов, Марат Жумаевлар шахсий кўрсаткичларини анчайин яхшилаб олишга муваффақ бўлишди.

Қизларимиз орасида 2287 балл тўплаган Гулруҳбегим Тоҳиржонова мамлакатимизнинг айни дамдаги биринчи рақамли спортчиси сифатида қайд этилди. Рейтингда Гулруҳбегимдан 17 очко камроқ жамғарган Ирина Геворгян эса уни изма-из таъқиб этиб келмоқда. Шунингдек, Сарвиноз Курбонбоева, Елена Вербова, Севара Боймуратоваларнинг натижалари ҳам бир неча поғонага яхшиланган.

Ботир ХЎЖАЕВ

Мутахассис маслаҳати

ЎТКИР ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН САҚЛАНИНГ

Бугунги кунда мева-сабзавот ва полиз экинлари бозор расталарида ўз таровати билан ҳар бир киши эътиборини жалб этади. Ҳатто бозор расталарининг ўзидаёқ маҳсулотларни ювмасдан туриб мазасини татиб кўрамиз. Лекин, уларнинг санитария-гигиеник ҳолати, шунингдек, текширув лабораторияларидан ўтказилган таҳлиллари билан қизиқмаймиз. Бунинг натижасида ўткир юқумли ичак касалликларига чалиниб қолишимиз ҳеч гап эмас...

Ўткир юқумли ичак касалликларига қорин тифи, сальмонеллёз, ичбуруғ, вирусли гепатитнинг "А" тури, рота вирусли гастроэнтерит ва бошқа бир қатор хасталиклар киради. Бу касалликларнинг барчасига мавсумийлик хос бўлиб, йилнинг иссиқ кунларида кўпроқ учрайди. Ўткир юқумли ичак касалликларини ташқи муҳитга анча чидамли бўлган бактерия ва вируслар қўзғатади. Ичак инфекциялари қўзғатувчиларнинг барчаси ташқи муҳитга анча чидамли бўлади. Масалан, қорин тифи микроблари оқар сувда, сабзавот ва меваларда 5 кундан – 10 кунгача, кўлмак сувда 1 ойгача, нон ва нон маҳсулотлари юзасида 50 кунгача тирик сақланади. Сальмонеллёз қўзғатувчилари озиқ-овқат маҳсулотларида қулай шароитларда кўпайиши ҳам мумкин. Мазкур касаллик қўзғатувчиларнинг манбалари бемор ва бактерия ташувчилар ҳисобланади.

Ўткир юқумли ичак касалликларининг юқиш йўллари бир-бирига ўхшаш бўлсада, уларнинг ҳар бирининг етакчи юқиш омиллари бор. Масалан, қорин тифи касаллигида етакчи юқиш омили сув ҳисобланса, ичбуруғ ва сальмонеллёз касалликларида эса бундай омилларга озиқ-овқат маҳсулотлари киради. Ўткир юқумли ичак касалликлари маиший мулоқот йўли билан ҳам юқади. Барча ўткир юқумли ичак касалликлари одамларга касаллик қўзғатувчилари билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув истеъмол қилиш натижасида ҳамда мулоқот йўли билан фақат оғиз орқали юқади.

Иссиқ кунларда ўткир юқумли ичак касалликларининг фаоллиги ошади. Аҳоли кўпроқ сув, ҳар хил чанқовбосди ичимликлар ичади, мева-сабзавот, кўкатлар истеъмол қилади ҳамда касаллик қўзғатувчилари билан ифлосланган очиқ сув ҳавзаларида чўмилади ва шу жараёнларда улар ўзларига ўткир юқумли ичак касалликларини юқтириб олиши мумкин. Касаллик асосан мавсумий ҳисобланиб, йилнинг ёз ва куз фаслларида кўпроқ учрайди.

Касаллик қўзғатувчиларининг одам организмига тушиб, токи касалликнинг илк аломатлари пайдо бўлгунича маълум бир вақт ўтади. Бу давр белгиларсиз кечади ва у касалликнинг яширин даври ҳисобланади. Аксарият ўткир юқумли ичак касалликларига чалинган беморларда ҳолсизлик, кўнгил айниши, қусиш, ичнинг суюқ кетиши, тана ҳароратининг кўтарилиши каби аломатлар қайд этилади. Беморларга ўз вақтида тегишли тиббий ёрдам кўрсатилмаса, бу касалликлар ўзидан асоратлар қолдириши мумкин. Буларга ичаклар фаолиятининг бузилиши, ичакдаги яралардан қон кетиши, ичак деворларининг тешилиши, ўткир буйрак етишмовчилиги ҳамда бошқа бир қатор асоратлар киради ва баъзида бу асоратларнинг айримлари кўнгилсиз ҳолатларга олиб келади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, санитария тозалиги ва ободонлаштириш ишларини мунтазам амалга ошириш, умумий овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг савдоси билан шуғулланадиган корхоналарда санитария қоида ва талабларига риоя қилиш ҳамда аҳолининг санитария маданиятини кўтариш ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун овқатланишдан олдин, ҳожатхонадан сўнг қўлларни совунлаб ювиш, тирноқларни вақтида олиш, ўз сочиғидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 6 апрелдаги 72-сонида чоп этилган хабарномага қуйидаги ўзгартириш киритилмоқда: 2016 йил 3 май кунига белгиланган аукцион савдоси 2016 йил 10 май кунига кўчирилди.

"Capital Realtor Group" МЧЖ маъмурияти.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси

томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш **odnookno.uz** интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали **(my.gov.uz)** орқали ваколатли орган — "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **5 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **5 майда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9221

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 555

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ